

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. В.38.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ХОШИМОВ НОЗИМЖОН НУМОНЖОНОВИЧ**

**КАЛАМУШ МИЯСИ СИНАПТОСОМАЛАРИ  $Ca^{2+}$ -  
ТРАНСПОРТИГА ПОЛИФЕНОЛ (РУТАН, ГОССИТАН)  
ВА АЛКАЛОИД (ДЕЗОКСИПЕГАНИН)  
ТАЪСИРИНИ ТАВСИФЛАШ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хошимов Нозимжон Нумонжонович**

Каламуш мияси синаптосомаларидаги  $\text{Ca}^{2+}$ -транспортига полифенол (рутан, госситан) ва алкалоид (дезоксипеганин) таъсирини тавсифлаш..... 3

**Хошимов Нозимжон Нумонжонович**

Характеристика действия полифенолов (рутана, госситана) и алкалоида (дезоксипеганина) на транспорт  $\text{Ca}^{2+}$  в синаптосомах мозга крыс..... 21

**Khoshimov Nozimjon Numonjonovich**

Characteristics of the action of polyphenols (rutan, gossitan) and alkaloid (desoxypeganin) on the transport of  $\text{Ca}^{2+}$  in the brain synaptosomes of rats..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. В.38.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ХОШИМОВ НОЗИМЖОН НУМОНЖОНОВИЧ**

**КАЛАМУШ МИЯСИ СИНАПТОСОМАЛАРИ  $Ca^{2+}$ –  
ТРАНСПОРТИГА ПОЛИФЕНОЛ (РУТАН, ГОССИТАН)  
ВА АЛКАЛОИД (ДЕЗОКСИПЕГАНИН)  
ТАЪСИРИНИ ТАВСИФЛАШ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/B28 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (info@microbio.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Насиров Қобил Эркинович**  
биология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Кучкарова Любовь Салижановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Есимбетов Адилбай Тлепович**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «24» апрель соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info@microbio.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-кават, мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «12» апрель куни тарқатилди.  
(2018 йил «12» апрелдаги 7 рақамли реестр баённомаси).



**Арипов Тахир Фатихович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., академик

**Ахмедова Захро Рахматовна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби в.б, б.ф.д., профессор

**Рахимова Тўраҳон Узоқовна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда нерв хужайраларида  $Ca^{2+}$ -гомеостазининг бузилишидан келиб чиқувчи, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нейродегенератив касалликлар сонининг барқарор ҳолатда ортиб бориши кузатилмоқда<sup>1,2</sup>. Нейродегенератив касалликларни, шунингдек, токсикологик ва наркологик заҳарланиш патогенезида зарарланувчи марказий/периферик нерв тизимини даволашда ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол бирикмалар самарали нейропротектор, антитоксик препаратларни яратишда истиқболли манбалар сифатида фойдаланилади.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ушбу йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқотларда нейродегенератив касалликлар бош мия симпатик ва парасимпатик нерв тизими хужайраларининг функционал фаоллигини ифодалаб берувчи ион-транспорт тизимлари ва рецепторлар комплексининг дисфункцияси асосида келиб чиқиши аниқланган. Нерв хужайраларида сигнал трансдукцияси ва қўзғалиш/тормозланиш жараёнларини бошқаришда  $Ca^{2+}$ -транспорти марказий компонентлардан бири бўлиб, бош мия синаптосомаларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  гомеостази дисфункцияси жиддий патологик ҳолатларга сабаб бўлиши қайд қилинган. Шу нуқтаи назардан, патологик шароитда бош мия синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ -транспортини биологик фаол моддалар ёрдамида фармакологик коррекциялаш механизмларини тадқиқ қилиш масаласи долзарб, илмий–амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда нерв тизими касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, фармацевтик препаратлар билан таъминлаш йўналишида сезиларли ислохотлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, нейродегенератив касалликларни даволаш ва профилактика қилиш мақсадида самарали нейропротектор дори воситаларини яратиш йўналишида муайян ютуқларга эришилди. Такидлаш жоизки, нерв хужайралари  $Ca^{2+}$ -гомеостазининг бузилишидан келиб чиқувчи, нейродегенератив касалликлар, токсикологик ва наркологик заҳарланиш оқибатида нерв хужайраларининг ўзгариши орқали бўладиган касалликларни ташхислашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқот ишларини олиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифаси белгилаб берилган. Бу ўринда маҳаллий хом ашёлар асосида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган нейропротектор дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш

<sup>1</sup> The World Health Organization ([www.who.int/gho/publications/world\\_health\\_statistics](http://www.who.int/gho/publications/world_health_statistics))

<sup>2</sup> World Federation of Neurology ([www.wfnurology.org](http://www.wfnurology.org))

чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *In vitro* ва *in vivo* шароитида нерв хужайралари функционал фаоллигида  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикасининг аҳамияти ва регуляция механизмларини ўрганиш йўналишида иш олиб борган бир қатор олимлар, жумладан, Bhandage A.K. (2016) ишларида марказий нерв тизимида ионотроп/метаботроп каскадлар орқали таъсир кўрсатувчи асосий кўзгатувчи/тормозловчи нейротрансмитерлардан бири бўлган –  $\gamma$ -аминомой кислота (ГАМК) таъсирида фаоллашувчи ГАМК–рецепторининг фармакологик регуляция механизмлари тадқиқ қилинган. Бунда глутамат ионотроп каскад орқали – глутамат рецептори (*i*Glu–AMPA/каинат ва NMDA–рецептори), ГАМК эса, ГАМК–А–рецептори орқали таъсир кўрсатиши аниқланган. Tagliaferri S. (2010) томонидан нерв хужайраларида глутамат рецепторининг  $[Ca^{2+}]_{in}$ –гомеостазидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Remigo P.V. (2013) томонидан этанол интоксикацияси шароитида нерв хужайраларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясининг ўзгариш динамикаси тавсифланган. Кауг Р. (2008) томонидан нейротоксик таъсир шароитида каламуш бош мия синаптосомалари функционал фаоллиги ўзгаришининг молекуляр механизмлари аниқланган. Rosa R.M. ва бошқалар (2007), Тарасенко А.С. ва бошқалар (2010) томонидан каламуш бош мия синаптосомалари фаоллигининг глутамат рецептори орқали регуляция механизмлари тадқиқ қилинган. Ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг каламуш бош мия синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ –транспортига таъсири Кухта В.К. ва бошқалар (2010) томонидан илмий асосланган ва нерв хужайраларида сигнал трансдукцияси/узатилиши жараёнида  $Ca^{2+}$  ионлари марказий мессенжер сифатида аҳамиятга эга ҳисобланиши қайд қилинган.

Республикамик миқёсида каламуш бош мия синаптосомаларига алкалоидлар ва токсинларнинг  $Ca^{2+}$ –транспортига таъсирини ўрганиш йўналишида П.Б.Усманов, Дж.Каликулов ва бошқалар (1985) томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган, бироқ нейропротектор дори воситаларига талаб юқорилиги ва ўсимликлардан ажратиб олинаётган биологик фаол моддаларнинг нерв тизимига таъсири тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги учун, ушбу йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий–тадқиқот ишлари режасининг ФА–А10–Т086

«Алкоголизм ва унга боғлиқ асоратларни даволаш ва профилактика қилишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш» (2012–2014) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг *in vitro* шароитида назорат ва сурункали алкоголь интоксикациясида бош мия синаптосомаси  $\text{Ca}^{2+}$ -транспортига таъсирини тавсифлаш ҳамда нейропротектор хоссаларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

глутамат таъсирида каламуш бош мияси синаптосома мембранасининг  $\text{Ca}^{2+}$  ионлари учун ўтказувчанлик даражаси ҳамда  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясига таъсирини аниқлаш;

сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида ГАМК- ва NMDA-рецептор фаоллигининг бузилиши орқали синаптосома  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясининг ўзгаришини аниқлаш;

рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг назорат гуруҳида каламуш бош мияси синаптосомаларида глутамат, NMDA-, ГАМК-рецепторлари орқали  $\text{Ca}^{2+}$ -транспортига таъсир механизмини тавсифлаш;

рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида каламуш бош мияси синаптосомаларида  $\text{Ca}^{2+}$ -транспорти бошқарилиш механизмларини тадқиқ қилиш ва нейропротектор хоссасини асослаш;

дезоксипеганиннинг бошқа ҳужайралар (тромбоцитлар ва қон томир силлиқ мускул ҳужайраларида)  $\text{Ca}^{2+}$ -транспортига таъсирини қиёсий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўсимликлардан ажратиб олинган - рутан, госситан полифеноллари ва дезоксипеганин алкалоиди, каламуш бош мияси синаптосомалари суспензияси, тромбоцитлар суспензияси, аорта қон томир препарати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сурункали ва ўткир алкоголь интоксикацияси шароитида рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг каламуш бош мияси синаптосомаларида  $\text{Ca}^{2+}$ -транспортига таъсирини тавсифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида дифференциал центрифугалаш, спектрофотометрия, флуоресценция услублари, *in vitro* шароитида каламуш бош мияси синаптосомаларида  $\text{Ca}^{2+}$ -транспорти динамикасини баҳолаш имконини берувчи USB 2000 (Ocean Optics Inc., АҚШ) аппарат/дастур таъминоти, олинган натижаларни қайта ишлашда OriginPro 7.5 (OriginLab Corporation, АҚШ) математик–статистик таҳлил дастур пакетидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

$\text{Ca}^{2+}$ -сезгир зонд - хлортетрациклин ёрдамида глутаматнинг қуйи концентрацияси таъсирида пресинаптик мембрананинг ўтказувчанлик даражасини ошириши ва каламуш мияси синаптосомаси  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясининг ортиши аниқланган;

сурункали алкоголь интоксикациясида рутан глутаматнинг нерв хужайраларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  оширувчи таъсирга протектор таъсир кўрсатиши асосланган;

дигидропиридинга сезгир кальций каналларини бошқаришда госситан полифеноли ва нифедипин ўртасида рақобатлашиш типиди таъсирга эга эканлиги аниқланган;

сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида дезоксипеганин алкалоиди глутамат сингари NMDA–рецептори фаоллигини модуляциялаши орқали антитоксик таъсир кўрсатиши аниқланган;

дезоксипеганиннинг тромбоцитларда ички деполардан чиқувчи  $Ca^{2+}$ -транспортини сусайтириши орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтириши, шунингдек қон томир силлиқ мускул хужайраларида унинг релаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -канални блокадаси билан боғлиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг каламуш бош мияси синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ -транспортига таъсирини тавсифлашда олинган натижалар потенциал нейропротектор препаратларни ишлаб чиқишда илмий асос сифатида фойдаланилади. Олинган натижалар алкоголь интоксикациясида биологик фаол моддаларнинг антитоксик таъсир механизмлари бўйича мавжуд назарий билимлар диапазонини кенгайтиради. Рутан, госситан ҳамда дезоксипеганиннинг *in vitro* шароитида каламуш мияси синаптосомалари суспензиясида флуоресценция интенсивлигига таъсири бўйича аниқланган ҳолатлар амалий жиҳатдан, тадқиқ қилинган моддаларнинг нерв хужайраларида ГАМК –, NMDA–рецептор орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикаси модуляцияси асосида нейропротектор таъсирга эга бўлган фармакологик препаратларни ишлаб чиқиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий физиологик усуллар ва аппаратлар, дастурий таъминотлар, шунингдек уларнинг замонавий биофизикавий-биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Ҳар бир тадқиқот тажрибалари энг камида 4-6 марта ўтказилган. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стьюдент критерийси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиги интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда OriginPro 7.5 (OriginLab Corporation, АҚШ) компьютер дастурида статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – бош мия синаптосомаларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  гомеостазининг  $Ca^{2+}$ -транспорти ва NMDA-рецепторларининг функционал фаоллигини фармакологик регуляция механизмлари бўйича назарий билимлар диапазонини кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг каламуш бош мияси синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ -транспортига таъсир механизмлари бўйича аниқланган ҳолатлар нейрпатологиялар, жумладан алкоголь интоксикацияси шароитида

фармакологик коррекция мақсадида препаратлар ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг каламуш бош мияси синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ -транспортига таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

нейродегенератив жараёнларни молекуляр даражадаги ривожланиш механизмларини нейропротектор препаратлар ёрдамида коррекциялашдан доривор воситаларни фармакологик тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» 2018 йил 27 мартдаги № 29/09-1058 - сон маълумотномаси). Натижада давлат марказининг фармакологик ва токсикологик тадқиқотлар лабораториясида нейростимуляцияловчи доривор воситаларни специфик фаоллигини аниқлаш имконини берган;

рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг каламуш бош мияси синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ -транспортига таъсиридан ФА–А11–Т057 рақамли «Табий ва синтетик биологик фаол моддаларни юқори самарали скрининг марказини ташкил этиш» лойиҳасида гипоксияда каламуш бош мияси синаптосома мембраналари  $Ca^{2+}$ -транспортига ҳамда NMDA-рецепторига таъсир механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги ФТА-02-11/1148-сон маълумотномаси). Натижада гипоксияда синаптосома мембранаси  $Ca^{2+}$ -транспорти блоканиши ва NMDA-рецептори орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясининг камайиши асосида нейропротектор хоссаларини тавсифлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, шундан 3 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий–амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Нерв тизими хужайраларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  гомеостазининг регуляция механизмлари**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар асосида нерв тизими хужайраларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  гомеостазининг регуляция механизмлари, бош мия нерв хужайраларида  $Ca^{2+}$ –транспорт тизимлари ва  $Ca^{2+}$ –гомеостазининг глутамат ва NMDA–рецепторлари орқали бошқарилиш механизмлари, глутамат, NMDA- ва AMPA–рецепторининг структура тузилиши ва функцияси, этанол интоксикацияси механизми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Каламуш бош мияси синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ –транспортини ўрганиш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан сурункали алкохол интоксикациясининг экспериментал моделини тузиш, меъёр ва алкохол интоксикациясида дифференциал центрифугалаш усули ёрдамида каламуш бош миясидан синаптосома суспензиясини ажратиш, флуоресценция услубида синаптосомалардаги  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикасини баҳолаш, қўшимча тадқиқотларда гемостаз тизими ва қон томир силлиқ мускул хужайраларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикасини таъсирини қиёсий таҳлил қилиш учун тромбоцитларни ажратиш, тромбоцитлар агрегацияси, унинг функционал фаоллигини ўрганиш, аорта қон томир препаратининг механик фаоллигини қайд қилиш услуби, натижаларни статистик қайта ишлаш услуби ёритилган.

Диссертациянинг «**Каламуш бош мияси синаптосомаларида  $Ca^{2+}$ –транспортининг глутамат рецептори орқали регуляцияси**» деб номланган учинчи бобида  $Ca^{2+}$ –сезгир флуоресценция зондлари ёрдамида каламуш бош мия синаптосомалари суспензиясида флуоресценция сигналининг ( $F_{340}/F_{380}$ ) интенсивлигини ўзгаришини қайд қилиш асосида синаптик мембранада жойлашган глутамат рецептори активацияси орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикаси ўзгаришларини таҳлил қилиш бўйича тажрибалар натижалари келтирилган.  $Ca^{2+}$ –сезгир зонд – хлортетрациклин (ХТЦ) ёрдамида тажрибаларда  $Ca^{2+}$  ионларини комплекс боғлаб олувчи – этиленгликоль (бис–аминоэтил эфир)–N, N–тетрасирка кислота (ЭГТА) (1 мМ) билан инкубация ( $[Ca^{2+}]_{out}=0$  мМ) қилинганда флуоресценция интенсивлиги назоратга нисбатан 5% га камайиши аниқланди. ЭГТА (1 мМ) инкубациясида L–глутамат (10–50 мкМ) таъсирида флуоресценция интенсивлиги 5–10% га ортиши кузатилди ва бу синаптик мембрананинг  $Ca^{2+}$  ионлари учун ўтказувчанлик даражасини ортиши, бу эса ўз навбатида цитозолга  $Ca^{2+}$  ионларининг кириши, шунингдек хужайра ички «депо»сидан чиқишини кучайиши ҳисобига  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини ортиши билан изоҳланади (1–расм). Синаптосома суспензияси муҳитига L–глутамат (100 мкМ) қўшилганда ХТЦ–флуоресценция сигналининг интенсивлиги икки фазали типда, яъни 1–фазада инкубация муҳитида KCl (30 мМ) инкубацияси шароитида кузатилган ҳолатга ўхшаш, дастлаб нисбатан тезкор (5–10 секунд давомида) ўзгариши ва

кайтадан олдинги ҳолатга қайтиши, навбатдаги 2–фазада эса, нисбатан секин ортиб бориши кузатилди. Бунда 1–фаза L–глутамат концентрациясига (10–100 мкМ) пропорционал бўлиб, пресинаптик мембрана деполяризацияси,  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси ортиши таъсирида кўп сонли везикулаларнинг экзоцитоз жараёнини юзага келтириши натижасида флуоресценция интенсивлигини «чақнаш» типига ўзгариши билан изоҳланади. L–глутамат концентрацияси ошириб борилганида 1– ва 2–фаза ўртасидаги лаг–фазанинг давомийлик даврининг қисқариши аниқланди. Шунингдек, L–глутамат 100 мкМ концентрацияда қўшилганда такрорий флуоресценция кузатилмади.

L–глутамат (10–50 мкМ) ва KCl (35 мМ) эритмасининг синаптосомалар суспензиясининг флуоресценция интенсивлигига солиштирма таъсири таҳлил қилинди.



**1–расм. Каламуш бош мияси синаптосомалари суспензияси ЭГТА (1 мМ) билан инкубация қилинганида L–глутамат (10–50 мкМ) таъсиридаги флуоресценция интенсивлигининг ўзгариши.** А. Оригинал расм. L–глутамат (50 мкМ) таъсирида флуоресценция интенсивлигининг ортиши. Ишончлилик даражаси.\*- P<0,05; \*\*- P<0,01; \*\*\*- P<0,001. (n=6).

Флуоресценциянинг икки фазали типда ўзгаришининг сабабини синаптосомада L–глутамат таъсирида цитозолда  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясининг 2 босқичли характерда ортиши ва везикулалардан  $H^+$  ажралишини кучайиши билан изоҳлаш мумкин. Цитозолда  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясининг ортиши  $Ca^{2+}$ –каналларининг фаоллашиши ва  $Na^+/Ca^{2+}$ –алмашувчининг реверсион типда фаолият кўрсатиши ҳисобига амалга ошириши қайд қилинади (Siesjo and Bengtsson, 1989). Шунингдек,  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси  $Ca^{2+}$ ни ташқи муҳитдан кириши билан бирга, саркоплазматик ретикулум (СР) ва митохондриядан чиқиши ва  $Ca^{2+}$  ионларининг цитозолда камайиш механизмлари фаоллигини сусайиши ҳисобига ҳам ортиши мумкин. ЭГТА (1 мМ) билан инкубация қилинганида ( $[Ca^{2+}]_{out}=0$  мМ) L–глутамат (100 мкМ) таъсирида ХТЦ–флуоресценциясида «тезкор» типда кузатиладиган 1–фазани сақланиши, бироқ «чақнаш» типигаги ўзгариш кузатилмади. Аналогик ҳолат KCl (35 мМ) таъсирида ҳам қайд қилинди.  $Ca^{2+}$ –каналли блокатори –  $Cd^{2+}$  (25 мМ) билан инкубация қилинган шароитда ҳам L–глутамат (100 мкМ)/KCl (35 мМ) таъсирида ХТЦ–флуоресценцияси интенсивлиги ортиши кузатилмади.


Маълумки, L-глутамат (100 мкМ) таъсирида ХТЦ-флуоресценцияси интенсивлигини ўзгариши NMDA- ва глутамат рецепторининг активацияси орқали цитозолда  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини ортиши билан боғлиқ бўлиб, KCl (35 мМ) инкубацияси таъсирида эса, мембранани деполяризацияланиши натижасида  $Ca^{2+}$ -канални фаоллаштириши ҳисобига  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси ортиши қайд қилинади. Шунингдек, тажрибаларда L-глутамат (100 мкМ) инкубациясида синаптосомалар суспензиясида ХТЦ-флуоресценциясининг 1-фазада нисбатан «тезкор» типда ўзгариши асосан, постсинаптик мембранада жойлашган  $\alpha$ -амино-3-гидрокси-5-метил-4-изоксазолпропион кислота (АМПА)/каинат рецепторини активацияси орқали амалга ошишини тахмин қилиш мумкин. АМПА/каинат рецептор ГАМК-ергик трансмиссион сигнал трансдукциясида муҳим ўрин тутиши аниқланган (Mayer et al., 1989; Cossart et al., 2001; Lerma, 2006; Fiszman et al., 2007; Mathew et al., 2008).  $Ca^{2+}$ -канални блокатори –  $Cd^{2+}$  (25 мМ) (Mayer et al., 1989) билан инкубация қилинганида L-глутамат (100 мкМ) таъсирида ХТЦ-флуоресценцияси интенсивлигида «тезкор» типда кузатилувчи 1-фаза сақланиши,  $Cd^{2+}$  (25 мМ) таъсирида NMDA-рецептор орқали цитозолга  $Ca^{2+}$  ионларини кириши блокланганида АМПА/каинат рецепторлар фаоллигини сақланиб қолиши билан изоҳланиши мумкин.

Тажрибаларда глицин (10–100 мкМ) инкубацияси L-глутамат (100 мкМ) таъсирида NMDA-рецепторнинг фаоллаштиришини кучайтирувчи таъсир кўрсатиши аниқланди. Шунингдек, NMDA-рецепторнинг специфик блокатори – стрихнин (5 мМ) инкубацияси шароитида глициннинг (100 мкМ) инкубацияси L-глутамат (100 мкМ) таъсиридаги ХТЦ- флуоресценциясини кучайтирувчи таъсири кузатилмайди. Тажриба натижалари асосида, глицин ва L-глутамат NMDA-рецепторнинг турли хил функционал сайтлари билан боғланишини тахмин қилиш мумкин.

Диссертациянинг «**Назоратда ва алкоголь интоксикацияси шароитида каламуш бош мияси синаптосомаларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикасига рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ГАМК-рецепторининг активатор/блокаторлари ёрдамида алкоголь интоксикацияси шароитида рутан, госситан ва дезоксипеганиннинг синаптосомаларда  $Ca^{2+}$ -транспортига таъсири тадқиқ қилинганида, тажрибаларда этанол (5–10 мМ) инкубацияси шароитида флуоресценция интенсивлиги назоратга нисбатан сусайиши аниқланди (2А-расм). Бундай шароитда L-глутамат (50 мкМ) таъсирида флуоресценция интенсивлиги сезиларли даражада ўзгармади ва ўз навбатида, бу ҳолат мембрананинг  $Ca^{2+}$  ионларига нисбатан ўтказувчанлик даражаси қиймати ҳам ўзгармаслигидан далолат беради. Тажрибаларда ГАМК-рецептори блокатори – пикротоксин (5–50 мкМ) инкубацияси шароитида флуоресценция интенсивлигининг ортиб бориши аниқланди (2Б-расм).

Пикротоксин (5–50 мкМ) аллостерик характерда ГАМК-рецепторини блоклаганида NMDA-рецептори фаоллашади. Тажрибалардан олинган натижалар сурункали алкоголь интоксикацияси таъсирида ГАМК-рецепторининг фаоллигини ортиши, ўз навбатида цитозолга  $Ca^{2+}$

ионларининг киришини фаоллашиши, натижада  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси ортишини кўрсатади. Тадқиқотларда этанол NMDA–рецепторининг функционал фаоллигини модуляция қилиш орқали глутаматергик нейротрансмиссия дисфункциясига олиб келиши қайд қилинган (Lima–Landman and Albuquerque, 1989; White et al., 1990). Сурункали алкоголь интоксикациясининг таъсир механизмларидан бири айнан, NMDA–рецепторининг функциясини ўзгариши билан боғлиқлиги таъкидланади (Simson et al., 1991; Gulya et al., 1991; Parsons et al., 1998).



**2–расм. А. Этанолнинг (100 мМ) синаптосома суспензиясида флуоресценцияга таъсири** (Оригинал расм). **Б. ГАМК–рецептори блокатори – пикротоксиннинг (5–50 мкМ) каламуш мияси синаптосомалари суспензиясида флуоресценция интенсивлигига таъсири.** Ишончлилиқ даражаси. \*- P<0,05; \*\*- P<0,01; \*\*\*- P<0,001. (n=6).


Сурункали алкоголь интоксикациясида глутамат секрециясини кучайиши таъсирида «эксайтотоксик таъсир» юзага келиши тасдиқланган (Dahchour and Witte, 2000). Сурункали алкоголь интоксикацияси таъсирида глутамат секрецияси кучаяди ва NMDA–рецепторини фаоллашиши орқали нейротоксик таъсир қайд қилинади. Тажрибаларда сурункали алкоголь интоксикациясида инкубация муҳитига ГАМК–рецептори агонистлари – диазепам ва фенobarбитал (50–100 мкМ) кўшилганида ГАМК–рецепторининг тормозловчи таъсири ортади ва мос равишда,  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси ҳам камайиши қайд қилинади. Олинган ушбу натижалар сурункали алкоголь интоксикацияси таъсирида ГАМК–рецепторини фаоллашиши, AMPA/каинат рецептори фаоллигининг модуляцияси орқали глутаматергик нейротрансмиссия дисфункцияси билан изохлаиши мумкин. Сурункали алкоголь интоксикациясида L–глутамат (50 мкМ) ва глицин (5 мкМ) синаптосома суспензиясида ХТЦ–флуоресценция интенсивлигини сезиларсиз даражада ошириши аниқланди. Олинган натижалар асосида, сурункали алкоголь интоксикацияси таъсирида NMDA–рецепторнинг функционал суббирликларининг L–глутамат ва глицинга нисбатан сезувчанлик даражаси кескин сусайишини тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, сурункали алкоголь интоксикацияси давридани кейин, тажриба ҳайвонлари организмига этанол киритиш тўхтатилиши шароитида ҳайвонларда безовталиқ ҳолати юзага келиши аниқланди. Ушбу ҳолатдаги

синаптосома суспензиясида ХТЦ–флуоресценция интенсивлиги назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ортиши аниқланди. Шундай қилиб, этанол таъсирида NMDA–рецептори функцияси бузилиши қайд қилиниб, сурункали алкоголь интоксикацияси тўхтатилганида синаптосома суспензиясида ХТЦ–флуоресценция интенсивлигининг назорат гуруҳига нисбатан ортишини глутаматергик тизим фаоллиги реактивацияси билан изохлаш мумкин. Навбатдаги тажрибаларда глутамат рецептори блокатори – МК–801 (5 мкМ) билан инкубация қилинганида сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценцияси интенсивлиги назоратга нисбатан 20% га камайиши, шунингдек глутамат рецептори блокатори – аргилобатин (10 мкМ) инкубацияси шароитида бу кўрсаткич назоратга нисбатан 35% га камайиши аниқланди. Олинган натижалар сурункали алкоголь интоксикацияси NMDA–рецептори функционал суббирликларига комплекс таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Маълумки, сурункали алкоголь интоксикацияси таъсирида синапс терминалларида глутамат секрецияси кучайиши ҳисобига нерв хужайраларида – «*эксайтотоксик таъсир*» ёки «*қўзгалган аминокислоталар орқали токсик таъсир*» деб номланган патологик ҳолат юзага келади. Глутаматнинг эксайтотоксик таъсири NMDA–рецепторининг специфик антагонисти – N–метил–D–аспартат таъсирига аналогик типда амалга ошади, деб тахмин қилинади. Глутамат NMDA–рецептори билан боғланганида цитозолда  $[Ca^{2+}]_i$  концентрацияси кескин ортади, бу эса ўз навбатида Паркинсон касаллигида кузатилгани каби, нерв хужайраларининг эксайтотоксик таъсир оқибатида нобуд бўлиши жараёни ишга тушади. Шунингдек, глутамат орқали амалга ошувчи сигнализация каскади функциясининг ўзгариши эпилепсия, Альцгеймер каби нейропатологиялар ривожланишида ҳам асосий ўрин тутиши тахмин қилинади.

Дастлаб, АКШда вирусга қарши препарат сифатида синтезланган – «Амантадин» препарати (Симметрел) NMDA–рецептори антагонисти типиде таъсир кўрсатиши, эксайтотоксик таъсир реакциялар каскадини блоклаши аниқланган ва бу препарат нейроклиник амалиётда Паркинсон касаллиги терапиясида самарали фойдаланилади (Schwab and Poshanzer, 1969). Ушбу маълумотлар асосида, навбатдаги тажрибаларда сезиларли даражада антивирус хоссага эга бўлган – рутан ва госситаннинг эксайтотоксик таъсирга қарши таъсир кўрсатиш хоссасига эга бўлиши мумкинлиги ўрганилди. Тажрибаларда назорат гуруҳида рутан (10–100 мкМ) синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценция интенсивлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмаслиги, шунингдек L–глутамат (50 мкМ) билан инкубация қилинганида рутан (50 мкМ) ХТЦ–флуоресценция интенсивлигини сусайтириши аниқланди. Рутан (10 мкМ) билан инкубация қилинганида ХТЦ–L–глутамат комплексининг флуоресценция интенсивлиги сусайиши аниқланди. Бунда рутан концентрацияга (10–100 мкМ) боғлиқ ҳолатда L–глутаматнинг таъсирини сусайтириши қайд қилинди. Олинган ушбу натижалар рутан ва L–глутаматнинг рақобатлашиш типиде таъсир

кўрсатишини тахмин қилиш имконини беради. Навбатдаги тажрибаларда сурункали алкохол интоксикациясида рутан (50 мкМ) флуоресценция интенсивлигини бирозгина ошириши аниқланди. Шунингдек, ГАМК (100 мкМ) билан инкубацияси қилинганда синаптосомалар суспензияси муҳитига L–глутамат (50 мкМ) қўшилиши NMDA–рецептори фаоллигини сусайиши ва ўз навбатида,  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси камайганида рутан (10–100 мкМ) флуоресценция интенсивлигини сусайтириши аниқланди (3А–расм). ГАМК–рецептор антагонисти – пикротоксин (50 мкМ) инкубацияси шароитида рутан (10–100 мкМ) ГАМК–ХТЦ комплексининг флуоресценция интенсивлиги сезиларли даражада сусайиши аниқланди. Олинган натижалар рутан  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтирган шароитда ГАМК–рецептор фаоллигига антагонист сифатида таъсир кўрсатмаслигидан далолат беради (3Б–расм).




**3–расм. А.** Рутаннинг (10–100 мкМ) ГАМК (100 мкМ) инкубацияси шароитида синаптосомалар суспензияси муҳитига L–глутамат (50 мкМ) қўшилган ҳолатда ХТЦ–флуоресценция интенсивлигига таъсири. **Б.** ГАМК–рецептор антагонисти – пикротоксин (50 мкМ) инкубациясида рутаннинг (10–100 мкМ) ГАМК–ХТЦ комплекси флуоресценция интенсивлигига таъсири. Ишончлилиқ даражаси.\*-  $P < 0,05$ ; \*\*-  $P < 0,01$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$ . ( $n=6$ ).

Тажрибаларда рутан (50 мкМ) инкубацияси шароитида ГАМК–рецептори агонистлари – диазепам ва фенобарбиталнинг (10–100 мкМ) флуоресценция интенсивлигига таъсирини кучайиши аниқланди (4А–расм).

Госситан полифеноли (10 мкМ) ХТЦ–L–глутамат глутамат комплексининг флуоресценция интенсивлигини сезиларли даражада сусайтириши аниқланди. Шунингдек, рутандан фарқ қилиб, госситан (10–100 мкМ) концентрация диапазонида L–глутамат таъсирини сезиларли даражада ўзгартирмаслиги аниқланди (4Б–расм). Олинган натижалар госситаннинг L–глутамат билан рақобатлашиш типидида таъсир кўрсатмаслиги, эҳтимол NMDA–рецептор орқали таъсир кўрсатиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.


Қаламушлар организмига этанол киритилишини тўхтатилиши, яъни сурункали алкохол интоксикациясидан кейин госситан концентрацияга (10–100 мкМ) боғлиқ L–глутамат (50 мкМ) фонидида синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценциясини сусайтириши аниқланди. Олинган

натижалар госситан полифенолининг сурункали алкоголь интоксикациясидан кейинги даврда синаптосомаларда  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтирувчи таъсир кўрсатишидан далолат беради.



**4–расм. А.** Рутан (50 мкМ) инкубациясида ГАМК–рецептори агонистлари – диазепам ва фенобарбиталнинг (10–100 мкМ) флуоресценция интенсивлигига таъсири. **Б.** Сурункали алкоголь интоксикацияси давридан кейин госситаннинг концентрацияга (10–100 мкМ) боғлиқ ҳолатда L–глутамат (50 мкМ) фонида синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценциясига таъсири. Ишончлилик даражаси.\*-  $P < 0,05$ ; \*\*-  $P < 0,01$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$ . ( $n=6$ ).

Рутан ва госситан (100 мкМ) сурункали алкоголь интоксикацияси давридан кейин синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценцияси интенсивлигини сезиларли даражада камайтириши аниқланди (5А–расм).  $Ca^{2+}$ –каналли блокатори нифедипин (0,01 мкМ) инкубацияси шароитида госситан (10–100 мкМ) ХТЦ–флуоресценцияси интенсивлигини сезиларли даражада ошириши аниқланди (5Б–расм).




**5–расм. А.** Сурункали алкоголь интоксикацияси давридан кейин рутан (100 мкМ) ва госситаннинг (100 мкМ) синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценцияси қийматига таъсири. **Б.**  $Ca^{2+}$ –каналли блокатори нифедипин (0,01 мкМ) инкубацияси шароитида госситаннинг (100 мкМ) синаптосома суспензиясида ХТЦ–флуоресценцияси интенсивлигига таъсири. Ишончлилик даражаси.\*-  $P < 0,05$ ; \*\*-  $P < 0,01$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$ . ( $n=6$ ).

Олинган натижалар госситаннинг синаптосомаларда  $\text{Ca}^{2+}$ -канални фаоллигини блоклаши орқали таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Дезоксипеганин алкалоидининг глутаматергик нейромедиатор тизимининг функционал фаоллигини модуляциялаш орқали  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  динамикасига таъсирини баҳолаш учун синаптосомалар суспензияси флуоресценция интенсивлигига таъсири ўрганилди. Дезоксипеганин паст концентрацияда (1–10 мкМ) ХТЦ–флуоресценциясига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги, 50–100 мкМ концентрацияда флуоресценция интенсивлигини камайтириши аниқланди. Глутамат (50 мкМ) инкубацияси шароитида дезоксипеганин концентрацияга (10–100 мкМ) боғлиқ ХТЦ–флуоресценция интенсивлигини камайтириши аниқланди (6–расм). Шундай қилиб, дезоксипеганин концентрацияга (10–50 мкМ) боғлиқ ХТЦ–L–глутамат комплекси инкубацияси шароитида флуоресценцияси интенсивлигини сусайтириши аниқланди. Олинган тажриба натижалари дезоксипеганин ва L–глутаматнинг ГАМК–рецепторга рақобатлашиш типидида регуляцион боғланиш сайтига эгаллигини тахмин қилиш имконини беради. Маълумки, глицин глутамат таъсирини кучайтириши, AP5 ва AV–2–1 токсини эса, ГАМК–рецептор фаоллигини сусайтириши, яъни глутаматга рақобатлашиш типидида таъсир кўрсатиши аниқланган. Шунингдек,  $\text{Mg}^{2+}$  ионлари глутаматга рақобатлашиш типидида бўлмаган характерда ГАМК–рецептори антагонисти сифатида таъсир кўрсатиши қайд қилинади. Умумий ҳолатда, нейротектор хоссага эга бўлган МК–801 препарати, аргиолобатин каби ГАМК–рецептор модуляторларининг таъсир механизмларини ўрганиш терапевтик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.


Дезоксипеганин (50 мкМ) NMDA–рецептор агонисти глициннинг (10 мкМ) таъсирини сезиларли даражада кучайтириши, ўз навбатида бунда  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясини ортиши тахмин қилинди. Яъни, бу ҳолатда дезоксипеганин агонист/антагонист типидида таъсирга эгаллиги кузатилади. Дезоксипеганиннинг NMDA–рецепторига таъсири  $\text{Mg}^{2+}$  ионлари ва аргиолобатин ёрдамида ўрганилди. Бунда  $\text{Mg}^{2+}$  (1 мМ) каламуш мияси синаптосомалари суспензиясида L–глутамат–ХТЦ инкубацияси шароитида флуоресценция интенсивлигини сезиларли даражада сусайтириши аниқланди. Шунингдек, дезоксипеганин (100 мкМ) олдиндан инкубацияланганида  $\text{Mg}^{2+}$  (1 мМ) флуоресценция интенсивлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмаслиги қайд қилинди. Ушбу ҳолатга ўхшаш типда, дезоксипеганин (100 мкМ) инкубацияси шароитида аргиолобатин (5 мкМ) ҳам флуоресценция интенсивлигига таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Олинган ушбу тажриба натижалари дезоксипеганин алкалоидининг NMDA–рецептори фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади, деб тахмин қилиш имконини беради.



**6-рассм.** Дезоксипеганінінннг (10–100 мкМ) синаптосома суспензиясида флуоресценция интенсивлигига таъсири. Ишончилилик даражаси.\*-  $P < 0,05$ ; \*\*-  $P < 0,01$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$ . ( $n=6$ ).

Дезоксипеганін (10–50 мкМ) інкубаціяси синаптосомалар суспензиясида ХТЦ–флуоресценция интенсивлигини сезиларли даражада ошириши аниқланди. L–глутамат (50 мкМ) інкубаціясида эса, дезоксипеганін (10–50 мкМ) флуоресценция интенсивлигини сезиларли даражада камайтириши аниқланди. Сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида дезоксипеганін (10–50 мкМ) флуоресценция интенсивлигини камайтириши ва ўз навбатида, бу ҳолат  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрацияси камайишидан далолат беради. Олинган натижалар ушбу алкалоид асосида алкоголь интоксикациясига қарши терапевтик таъсирга эга фармакологик нейротектор препарат ишлаб чиқиш истиқболлари юқорилигини кўрсатади. Шунингдек, дезоксипеганін (100 мкМ) інкубаціяси таъсирида сурункали алкоголь интоксикациясидан кейинги даврда каламушлар миясидан ажратиб олинган синаптосомалар суспензияси ХТЦ–флуоресценция интенсивлиги сезиларли даражада ўзгариши аниқланди. Навбатдаги тажрибаларда дезоксипеганін алкалоиди концентрацияга (10–100 мкМ) боғлиқ равишда тромбин, адреналин (1 мкМ) ва АДФ (10 мкМ) таъсирида юзага келтирилган тромбоцитлар агрегациясини сусайтириши аниқланди. Бунда дезоксипеганін (100 мкМ) АДФ (10 мкМ) таъсирида юзага келтирилган тромбоцитлар агрегациясини нисбатан кучли даражада сусайтириши (назоратга нисбатан 50% га) кузатилди. Олинган натижалар дезоксипеганінннг  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришидан далолат беради. Тажрибаларда  $Ca^{2+}$ –каналли блокатори верапамил (0,01 мкМ) ва аденилатциклаза ферменти блокатори – форсколин (10 мкМ) інкубаціяси шароитида дезоксипеганінннг (50 мкМ) АДФ (10 мкМ) таъсирида юзага келтирилган тромбоцитлар агрегациясини сусайтирувчи таъсири сезиларли даражада кучайиши аниқланди (7А–рассм). Олинган натижалар тахлили асосида, дезоксипеганін аденилатциклаза фаоллигини сусайтириши орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришини тахмин қилиш мумкин. Дезоксипеганінннг антиагрегацион таъсирини  $Ca^{2+}$ –сезгир флуоресцент зондлар – Fura–2/АМ ва ХТЦ ёрдамида тахлил қилинди. Бунда  $[Ca^{2+}]_{out}=0$  мМ ва  $[Ca^{2+}]_{out}=2,5$  мМ шароитда АДФ таъсирида юзага келтирилган тромбоцитлар агрегациясида Fura–2/АМ ва ХТЦ–флуоресценцияси

интенсивлиги дезоксипеганин (100 мкМ) таъсирида сезиларли даражада сусайиши аниқланди (7Б–расм). Олинган натижалар дезоксипеганиннинг антиагрегацион таъсири тромбоцитларда ташқаридан кирувчи ва хужайра ички деполаридан чиқувчи  $Ca^{2+}$ –транспорти фаоллигини сусайтириши орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришини тахмин қилиш имконини беради.



7–расм. А. Дезоксипеганиннинг (50 мкМ)  $Ca^{2+}$ –канални блокатори верапамил (0,01 мкМ) ва аденилатциклаза ферменти активатори – форсколин (10 мкМ) инкубацияси шароитида дезоксипеганиннинг (50 мкМ) АДФ (10 мкМ) таъсирида юзага келтирилган тромбоцитлар агрегациясига таъсири. Б. Дезоксипеганиннинг (100 мкМ)  $[Ca^{2+}]_{out}=0$  мМ ва  $[Ca^{2+}]_{out}=2,5$  мМ шароитида АДФ таъсирида юзага келтирилган тромбоцитлар агрегациясида Fura–2/AM ва ХТЦ–флуоресценцияси интенсивлигига таъсири. Ишончлилиги даражаси.\*-  $P<0,05$ ; \*\*-  $P<0,01$ ; \*\*\*-  $P<0,001$ . ( $n=6$ ).

Дезоксипеганин (10–50 мкМ) *in vitro* шароитида KCl (50 мМ) таъсирида юзага келтирилган каламуш аорта қон томири препаратининг изометрик қисқариш фаоллигига сезиларли даражада релаксат таъсир кўрсатиши аниқланди. Шунингдек, дезоксипеганиннинг вазорелаксат таъсири  $[Ca^{2+}]_{out}$  концентрациясига боғлиқ ҳолатда амалга ошиши ва дигидропиридинга сезгир  $Ca^{2+}_L$ –канални блокатори – нифедипин (0,01 мкМ) таъсирини кучайтириши аниқланди. Олинган натижалар дезоксипеганин қон томир силлиқ мускул хужайралари плазмалеммасида жойлашган потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}_L$ –канални блоклаши орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришидан далолат беради. Ушбу натижалар дезоксипеганиннинг синаптосомаларда  $[Ca^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришини тасдиқловчи қўшимча маълумот ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда экспериментал неврологияда ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосида самарали нейропротектор хоссага эга бўлган фармакологик препаратларни яратиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, ушбу нуқтаи назардан полифункционал фармакологик таъсир спектрига эга бўлган алкалоидлар ва полифенол бирикмалар истиқболли агентлар ҳисобланади (Shikov et al., 2014).

## ХУЛОСАЛАР

1. Назорат гуруҳида глутамат (10–100 мкМ) таъсирида каламуш бош мияси синаптосомалари суспензиясида флуоресценция интенсивлиги, ҳамда пресинаптик мембрананинг  $\text{Ca}^{2+}$  ионлари учун ўтказувчанлик даражасини ортиши, бунинг натижасида эса  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясининг ошиши қайд этилди.

2. Сурункали алкоголь интоксикациясида ГАМК– ва NMDA–рецепторлар фаоллигининг ортиши, бу эса ўз навбатида  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясининг патологик ўзгаришини юзага келтириши исботланди.

3. Илк бор сурункали алкоголь интоксикациясида рутан L–глутамат таъсирига рақобатлашиш асосида таъсир этиши мумкинлиги, госситан эса – L–глутамат таъсирига рақобатлашишга эга бўлмаган характерда нерв хужайраларида  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  динамикасига ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилди.

4. Дезоксипеганин алкалоиди (10–100 мкМ) L–глутаматга аналогик типда, NMDA–рецептори фаоллигини модуляциялаши орқали сурункали алкоголь интоксикациясида антитоксик таъсир кўрсатиши аниқланди.

5. Илк бор дезоксипеганин алкалоидининг (100 мкМ) антиагрегацион таъсири тромбоцитларда ташқаридан кирувчи ва хужайра ички деполаридан чиқувчи  $\text{Ca}^{2+}$ –транспортини сусайтириши орқали  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтириши аниқланди ва бу ҳолат дезоксипеганин алкалоидининг синаптосомаларда  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришини кўшимча тасдиқловчи маълумот сифатида аҳамиятга эга ҳисобланади.

6. Дезоксипеганиннинг (10–50 мкМ) *in vitro* шароитида каламуш аорта қон томири препаратининг изометрик қисқариш фаоллигига релаксат таъсири силлиқ мускул хужайраларида  $\text{Ca}^{2+}$ –каналлини блокклаши орқали  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришидан далолат беради ва бу натижалар дезоксипеганиннинг синаптосомаларда  $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$  концентрациясини камайтиришини кўшимча тасдиқловчи маълумот ҳисобланади.

7. Рутан, госситан ва дезоксипеганин каби биологик фаол моддалар ёрдамида *in vitro* шароитида ўтказилган тажрибалар асосида алкогольдан турлича захарланиш оқибатида ГАМК– ва NMDA–рецепторларида келиб чиққан патологик ўзгаришларни бошқариш мумкинлиги қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ХОШИМОВ НОЗИМЖОН НУМОНЖОНОВИЧ**

**ХАРАКТЕРИСТИКА ДЕЙСТВИЯ ПОЛИФЕНОЛОВ  
(РУТАНА, ГОССИТАНА) И АЛКАЛОИДА (ДЕЗОКСИПЕГАНИНА)  
НА ТРАНСПОРТ  $Ca^{2+}$  В СИНАПТОСОМАХ МОЗГА КРЫС**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1. PhD/B28.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (info@microbio.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Насиров Кабил Эркинович**  
доктор биологических наук

**Официальные оппоненты:**

**Кучкарова Любовь Салижановна**  
доктор биологических наук, профессор

**Есимбетов Адилбай Тлепович**  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «24» апреля 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. В.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 7б, конференц-зал института Микробиологии, 3-й этаж. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info@microbio.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под № 7). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 7 б, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека Института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан: «12» апреля 2018 г.  
(реестр протокола рассылки № 7 от «12» апреля 2018 г).



**Арипов Тахир Фатихович**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик

**Ахмедова Захро Рахматовна**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

**Рахимова Турашон Узаковна**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время во всем мире отмечается неуклонный рост числа социально значимых нейродегенеративных заболеваний вследствие нарушения кальциевого гомеостаза нервных клеток<sup>1,2</sup>. Биологически активные соединения являются перспективными источниками при создании эффективных нейропротекторных препаратов для лечения нейродегенеративных заболеваний, а также заболеваний центральной/периферической нервной системы, повреждающиеся при патогенезе токсикологической и наркологической интоксикаций.

На сегодняшний день во всем мире в научных исследованиях, проведенных в этом направлении выявлено, что нейродегенеративные заболевания вызваны дисфункцией ионно-транспортных систем и рецепторных комплексов, которые представляют функциональную активность клеток симпатической/парасимпатической нервной системы мозга.  $Ca^{2+}$  является центральным компонентом в процессах передачи сигналов и возбудимости/регенерации в нервных клетках, особенно в синапсах мозга  $[Ca^{2+}]_{in}$ , что приводит к серьезным патологическим состояниям. С этой точки зрения изучение механизмов фармакологической коррекции  $Ca^{2+}$  - транспорта биологически активных веществ в синапсах в патологических состояниях имеет актуальное научно-практическое значение.

В настоящее время в нашей стране проведены масштабные реформы по улучшению материально-технической базы диагностики и лечения заболеваний нервной системы, обеспеченности фармацевтическими препаратами. В области профилактики и лечения нейродегенеративных заболеваний достигнуты определенные результаты в части производства эффективных нейропротекторных препаратов на основе местного сырья. Необходимо отметить, что, разработкам современных методов диагностики заболеваний, в основе которых лежит нарушение  $Ca^{2+}$ - гомеостаза, нейродегенеративных заболеваний, патологий связанных с изменением нервных клеток, при токсикологических и наркологических интоксикациях, уделено недостаточное внимание. Внедрение комплексных мер в этом направлении послужит ориентиром для дальнейшего развития фармацевтической промышленности, а также для улучшения предоставления доступных и высококачественных лекарств населению и поставщикам медицинских услуг, перечисленных в Стратегии действий для дальнейшего развития Республики Узбекистан. В этом отношении, играет важную роль создание нейропротекторных препаратов, на основе местного сырья, конкурентоспособных на мировом рынке.

---

<sup>1</sup> The World Health Organization ([www.who.int/gho/publications/world\\_health\\_statistics](http://www.who.int/gho/publications/world_health_statistics))

<sup>2</sup> World Federation of Neurology ([www.wfneurology.org](http://www.wfneurology.org))

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2011г № ПП-1652 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

